O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

N 47 (280) • 2010 йил 30 ноябрь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 18-19 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ялпи мажлисида қуйидаги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди:

- ***«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»*** *(учинчи ўқиш)*;
- ***«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»*** *(иккинчи ва учинчи ўқиш)*;
- **«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»** *(биринчи ўқиш)*;
- ***«Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари тўғрисидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»*** *(биринчи ўқиш)*;
- **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»** *(биринчи ўқиш)*;
- ***«Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»*** *(иккинчи ва учинчи ўқиш)*.

«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси иккинчи ўқишда давом этди.

Депутатлар шунингдек 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

## ПЕНСИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗГАРТИШЛАР

***Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси анчагина миқдорда (депутатларнинг қарийб учдан бир қисми томонидан) қарши овоз берилган ҳолда биринчи ўқишда қабул қилинди. Эътирозлар ва фикр-мулоҳазалар Халқ демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси парламент фракцияси аъзолари томонидан билдирилди.***

***Пенсия тизимини барибир такомиллаштиришда давом эттавериш керак деган фикрда тўхталдик, – деди депутат Пўлат РЕЙМОВ баҳс-мунозараларга амалда якун ясаган бўлиб. – Демак, концепцияни ниҳоят маъқулласа бўлади, тафсилотларини эса муҳокама қилавериш ва лойиҳани кейинчалик ишлаб маромига етказиш лозим. Қонун лойиҳасини иккинчи, яъни моддама-модда ўқиш шунинг учун ҳам осон бўлмаса керак.***

1-бетда

## ДИҚҚАТ!

**Юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари**
*(давлат статистика органлари томонидан белгиланган рўйхат бўйича)*
**2010 йилнинг 10 декабридан кечиктирмасдан**
ўзлари жойлашган жойдаги (туман, шаҳар) статистика бўлимига 1-ОПС (бир марталик) шакли бўйича «Корхоналарнинг олий маълумотли ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олган мутахассислар билан таъминланганлиги ва уларга бўлган истиқболдаги эҳтиёжи тўғрисида маълумотлар»* давлат статистика ҳисоботини тақдим этишлари керак.

Халқ таълими туман (шаҳар) бўлимлари, туман (шаҳар) ҳудудий тиббиёт бирлашмалари минтақавий бўйсунувдаги муассасалар бўйича йиғма маълумотларни ўзлари жойлашган жойдаги (туман, шаҳар) статистика бўлимига 2010 йилнинг 15 декабридан кечиктирмасдан тақдим этишлари керак.

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базасига кирувчи юқорида номи келтирилган хўжалик юритувчи субъектлар ўз ҳолатларидан қатъи назар: фаолият юритаётганлари, шаклланиш босқичидагилари ёки вақтинча фаолият кўрсатмаётганлари, бундан тугатилганлари мустасно, ҳисоботнинг кўрсатилган шаклларини тақдим этадилар.

Статистик кузатувларни олиб боришда зарур бўлган ҳисоботларни топширмаслик, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларига риоя этмаслик кўринишидаги давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка тортишга олиб келади.

Маълумот учун телефонлар: **230-88-22; 230-88-23; 230-88-24.**

***Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.***

**Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 10 ноябрдаги 8-сон буйруғи билан тасдиқланган.*

*1-ОПС (бир марталик) шакли **www.norma.uz** сайтининг эркин кириш учун очиқ бўлган «Қонунчиликдаги янгиликлар» бўлимида жойлаштирилган.*

## Қонунчиликдаги янгиликлар

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

### ИШ ҲАҚИ ОШМОҚДА

**Президентнинг 2010 йил 15 ноябрдаги ПФ-4253-сон Фармони билан 2010 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилди.**

Қуйидаги энг кам миқдорлар белгиланган:

иш ҳақи – ойига – **49 735** сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига – **97 285** сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд – ойига – **49 735** сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига – **97 285** сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига – **59 690** сўм.

Ҳужжатда шунингдек белгиланишича, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг 2010 йил 1 декабрдан бошлаб оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларга эса иш ҳақи миқдорини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига ошириш топширилган.

### ШАХСЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШГА БОШЛИҚНИНГ БУЙРУҒИ КЕРАК

**Давлат божхона қўмитасининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 12 ноябрда 1307-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага** *(рўйхат рақами 1307, 2004 йил 2 февраль)* **ўзгартишлар киритилди.** Уларга мувофиқ, жисмоний шахсни кўздан кечириш тўғрисидаги ёзма қарорни божхона органи бошлиғидан ташқари эндиликда фақат **бошлиқ вазифасини бажарувчи шахс** қабул қила олади *(олдин бундай ваколатларга бошлиқ ўринбосари эга бўлган)*.

**2010 йил 22 ноябрдан кучга кирди.**

### МАЪЛУМОТ ОЛИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи** ***(АВ томонидан 2010 йил 12 ноябрда 1222-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Олий таълим тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 1222, 2003 йил 22 февраль)* **ўзгартишлар киритилди.**

Чунончи, эндиликда талаба муддатли ҳарбий хизматга ҳам, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ҳам кечиктириб чақирилиш ҳуқуқига эга. Талабага академик таътил энди ҳарбий хизматни ўтаётганида, соғлиғини тиклаётганда, ҳомиладорлик ва туғиш таътили, шунингдек болани парвариш қилиш таътилида бўлганда берилади (олдин у фақат тиббий кўрсатмаларга қараб бериларди). Талабанинг олий таълим муассасаси ички тартиби ва уставини бузиши унга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга олиб келиши мумкин: ҳайфсан ва олий ўқув юртидан четлатилиш (олдин огоҳлантириш ҳам қўлланган).

Белгиланишича, профессор-ўқитувчилар таркибига шунингдек **ўқитувчи-стажёр** лавозимидаги шахслар ҳам киритилади.

Олий таълим муассасаларидаги илмий-педагогик лавозимлар танлов йўли билан меҳнат шартномаси (контракти)ни тузиш орқали банд қилинади. Мазкур қоидага магистратура битирувчиси олий ўқув юртини тамомлаётган йили тақсимот бўйича ўқитувчи лавозимига 3 йиллик муддатга танловсиз тайинланади деган меъёр киритилди.

Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш энди **тадқиқотчи-даъвогар-стажёрлар институти** ва **катта илмий ходимлар институти** шаклида *(олдин мавжуд бўлган аспирантура ва докторантура ўрнига)* амалга оширилади.

**2010 йил 22 ноябрдан кучга кирди.**

* * *

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 12 ноябрда 2153-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тасдиқланди.** Улар таълим олаётган шахсларнинг контингенти, ўқитувчининг илмий даражаси ва лавозими, шунингдек таълим муассасасининг турини ҳисобга олган ҳолда белгиланган. Мисол учун, олий ўқув юртларида бир академик соат ишлаганлик учун профессорлар – фан докторлари 10 858,4 сўм, доцентлар – фан номзодлари – 6 858,1 сўм, илмий даражага эга бўлмаган шахслар эса 4 969,3 сўм оладилар.

**2010 йил 22 ноябрдан кучга кирди.**

### ЭИИЗ: ЎЗИГА ХОС ҚОИДАЛАР

**Давлат божхона қўмитасининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 12 ноябрда 2154-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида товарларни расмийлаштиришда божхона юк декларациясини тўлдириш қоидалари тасдиқланди.** Улар билан, хусусан, товарларни «Навоий» ЭИИЗга олиб кириш ва ундан олиб чиқиш вақтида божхона расмийлаштируви учун божхона органларига қонун ҳужжатларида белгиланганларига қўшимча равишда хўжалик юритувчи субъектлар Қоидаларда белгиланган шаклдаги ариза, ЭИИЗда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ишлаб чиқариш учун зона ҳудудига олиб кирилиши мўлжалланаётган товарлар тўғрисидаги маълумотлар (товарнинг номи, миқдори, ТИФ ТН бўйича коди, қиймати, келиб чиқиш мамлакати), ишлаб чиқариш учун товарлар (хорижий товарлар ва Ўзбекистон товарлари) ҳамда маҳсулотлар билан амалга ошириладиган операциялар ва бундай операцияларни амалга ошириш натижасида олинадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги уларни сарфлаш нормалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишлари белгиланган.

**2010 йил 22 ноябрдан кучга кирди.**

### ЯСТ ТЎЛАШНИ КЕЧИКТИРМАНГ!

**Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг қарори** ***(АВ томонидан 2010 йил 15 ноябрда 1502-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** **билан Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомга** *(рўйхат рақами 1502, 2005 йил 2 август)* **ўзгартишлар киритилди.** Уларга мувофиқ, Низом савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига ва лотереяларни ташкил этиш фаолияти доирасида юридик шахсларга татбиқ этилмайди. Умуман олганда, ҳужжат амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқлаштирилган.

**2010 йил 25 ноябрдан кучга кирди.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 13 ноябрдан 19 ноябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 46-сони асосида тайёрланди.***

## УШБУ СОНДА

1-бет — Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳ
2-бет — Жойларда парламент назорати ўрнатилган
3-4-бетлар — Меҳнат дафтарчасини юритиш: хатолар таҳлили
5-6-бетлар — «Биз яшайдиган уй»да нима гап?

$1 = 1632,49 сўм €1 = 2219,90 сўм £1 = 2614,92 сўм ¥10 = 195,84 сўм

1-бетда

Хўш, гап нимада ўзи? Молия вазирлиги пенсия билан боғлиқ амалдаги бир қанча имтиёзларни қисқартириш нуқтаи назаридан қараб чиқишни таклиф этмоқда. Бунга уларнинг аксарияти ўтган асрнинг 50-йилларида жорий этилгани ва мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги даражасини, бандлик ва иш кучи бозори тузилмасини, ишга жойлашиш масалаларида гендер тенгликка эришилганлигини, шунингдек демографик вазиятни акс эттирмаслиги асос қилиб кўрсатилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаганларнинг ана шу нуқтаи назарига депутатларнинг ҳаммаси рози бўлди деб бўлмайди. Зотан пенсионерларнинг ўзи ҳам умуман олганда ўша 50-йилларда туғилганлиги боис кўпинча мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги даражасини ҳам, лойиҳа мутасаддилари санаб ўтган бошқа ютуқларни ҳам «акс эттира олмайди», албатта. Парламент имтиёзларни қайта кўриб чиқиш зарурлигига розилик билдирди, аммо бу ишни чуқур ўйлаб, заргарона ҳалимлик билан қилиш ниятида. Бу борада иш улар ўйлаганчалик бўлади деб умид қиламиз...

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш асносида «такомиллаштиришнинг» тафсилотлари аён бўлади.

## КЕЛАСИ ЙИЛИ САЛКАМ БИР МИЛЛИОН ЯНГИ ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бу жорий йилдагидан тахминан 6,2 мингта кўп демак. Режадаги иш ўринларининг қарийб ярми таълим муассасаларини битириб чиқувчи 490 минг йигит-қизга мўлжаллангандир.

Ҳисоб-китобларга «ёшлар омили»дан ташқари жорий йил бандлик дастурини амалга оширишнинг кутилаётган якунлари, Инқирозга қарши чоралар дастури, Инвестиция дастури ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, шунингдек минтақаларни ривожлантиришга қаратилган бир туркум маҳаллий ва тармоқ дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари асос қилиб олинди.

Йўналишлар ҳақида сўз юритиладиган бўлса, Бандлик дастурида бу борада ҳеч қандай янгилик назарда тутилмаяпти. Унда одатдаги тадбирлар, яъни янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳамда вақтинча фаолият кўрсатмаётган, аммо истиқболли ишлаб чиқариш объектларини тиклаш; кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш; касаначилик, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш; фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва кенгайтириш сингари тадбирлар режалаштирилмоқда. Бандлик дастурининг инқирозга қарши қаратилганлиги у ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг илгари белгилаб олинган устуворликларига тўла мувофиқ эканлигида мужассам топган.

Масалага ҳудудлар бўйича қараладиган бўлса, Фарғона водийсида 240 мингдан ортиқ, мамлакатимиз шимолида – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тахминан 108 минг; Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 82 мингдан ортиқ, мамлакат пойтахти ва Тошкент вилоятида қарийб 167 минг; Самарқанд вилоятида 92 мингдан ортиқ, Бухоро ва Навоий вилоятларида тахминан 114 мингга яқин, Қашқадарё вилоятида қарийб 87 минг ва Сурхондарё вилоятида қарийб 65 минг иш ўринлари барпо этилади.

## РЕЖАЛАШТИРИШ ПУХТА БЎЛСИН

***Микромолия ташкилотлари учун яқинда Энг кам таъминланган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳат гуруҳининг модули асосида стратегик режалаштириш йўналишида икки кунлик тренинг бўлиб ўтди. Тадбир БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон Марказий банкининг «Микромолиялаштириш секторини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси ҳамда Германия техник кўмак марказининг «Марказий Осиёда микромолиялашни ривожлантиришга кўмаклашиш» дастури томонидан, Микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмалари миллий ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда, микромолия ташкилотларининг барқарор тизимини барпо этишга ҳамда Ўзбекистон микромолиявий фаолиятига илғор халқаро тажрибани жорий этишга қаратилган ташаббуслар доирасида ташкил этилди.***

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси мутахассислари томонидан мамлакатимиз минтақаларидаги 20 та микрокредит ташкилоти диагностикаси асносида кўпгина ташкилотларда фаолиятни ривожлантиришнинг истиқболларини кўра билишда ва бундай фаолиятни яхшилашни стратегик режалаштиришда аниқ тасаввур йўқлиги маълум бўлди. Бундан ташқари микрокредит ташкилотларининг таълимга бўлган эҳтиёжларини баҳолаш стратегик ҳамда бизнес йўналишида режалаштириш соҳасида билим олишга эҳтиёж катта эканлигини аниқлаб берди.

Тренингда мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларидаги микрокредит ташкилотлари ва кредит уюшмаларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирок этдилар. Улар стратегик режани тайёрлаш юзасидан фойдали кўрсатмалар олдилар, шу режаларга ҳамоҳанг молиявий прогнозларнинг усуллари билан танишдилар. Тадбир иштирокчилари ўз ташкилотлари учун стратегик режалар ишлаб чиқдилар – бу режалар уларнинг ташкилотлари белгилаб олинган мақсадларга эришишида асқотади. Хусусан, бу режалар ташкилот ўзи белгилаб олган мақсадлардан четлашиш ҳолатдари ва фаолият ўзининг тўғри ўзанига тушиб олиши учун ташкилот қай йўсинда ҳаракат қилиши лозимлигини аниқлаб олиш имконини беради.

Бундан ташқари, тадбир асносида режалаштиришнинг таянч концепциялари кўриб чиқилди, «Microfin»даги стратегик режалаштириш принциплари амалиётда қўллаб кўрилди. Тадбирда кредит уюшмалари учун PEARLS Monitoring System (www.woccu.org) ҳамда микрокредит ташкилотлари учун Microfin 4.0 (www.microfin.com) дастурий таъминотини қўллаш имкониятлари ҳам кўриб чиқилди.

Ташкилотчиларнинг фикрича, тренинг асносида олинган билим ва кўникмалар микромолиялаштириш соҳаси мутахассисларига ўз ташкилотларининг барқарорлигини таъминлаш, фаолиятни пухта режалаштириш, ташкилотларни ва ходимларни бошқаришда илғор стратегия ва сиёсатни қўллаш имконини беради.

***Ўз ахборотимиз.***

# ДЕПУТАТИНГИЗ НИМАЛАР БИЛАН МАШҒУЛ?

***Парламентда қонунларни ўқиш билан боғлиқ ишлар оралиғидаги даврда марказдаги ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назорати олиб бориш ҳам депутатларнинг доимий ишига айланган.***

***Бу сафар уларнинг эътибори Самарқанд вилоятига қаратилган экан: депутатлар Инқирозга қарши чоралар дастурининг саноат, қурилиш ва савдо соҳасидаги ижроси ушбу минтақада қай аҳволда эканлигини назоратдан ўтказдилар.***



**Низомиддин СИДДИҚОВ, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси (ЎзЛиДеП фракцияси):**

– Қўмитамиз Инқирозга қарши чоралар дастури Самарқанд вилоятида саноат, қурилиш ҳамда савдо соҳасида қандай бажарилаётганлигини текширди. Ишларни ўрганиш асносида ижобий жиҳатлар ҳам, муаммолар ҳам аниқланди.

Гапни вилоят ялпи ички маҳсулоти жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 9,5 фоиз ошганлигидан (прогноз кўрсаткич 9,4 фоиз эди) бошламоқчиман. Унда саноатнинг улуши 0,1 пунктга кўпайиб, 11 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 15,7, қурилиш-пудрат ишлари 40, чакана савдо 15,3, пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,1 фоиз кўпайди.

Вилоятни ривожлантиришнинг 2010–2012 йилларга мўлжалланган дастурида 286 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида шулардан 179 таси амалга оширилди, 40,2 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилди, 3 012 та янги иш ўрни барпо этилди. Бундай қараганда, натижалар ёмон эмас. Ички бозорни озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш борасида ҳам муаммо йўқ: вилоятда Президентнинг ПҚ-1047-сон қарорини[1] бажариш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқилган; жорий йилнинг 9 ойи мобайнида минтақада турли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 135 фоизга кўпайган.

Шу билан бирга ечимини кутаётган масала ва муаммолар ҳам бор. Масалан, вилоятнинг бир неча йирик саноат корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтириб юборди. Улар орасида «Самарқанд лифтсозлик заводи» ОАЖ ҳам бор (кўрсаткични 54,8 фоиз пасайтириб юборган). Ҳукуматнинг яқинда қабул қилинган қарори билан мамлакатдаги турар жой фондининг кўп квартирали уйларида лифт ускуналарини янгилаш ва таъмирлаш юзасидан заводга топшириқлар[2] белгилаб қўйилган бир пайтда шундай бўлди. «Элхолдинг» ОАЖ (–34,5%), «Самарқанд-Жомбой Шароб» МЧЖ (–96,1%), «Ингичка металс» ҚК (–68,6%), «ЎзБАТ» ҚКнинг Ургут филиали (–82,3%), «Агромир» ҚК (–42%) у билан ёнма-ён жой олди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг минтақавий дастури бажарилмади. Бир қанча корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмлари прогноз кўрсаткичларидан анчагина паст бўлди, буни талаб-эҳтиёж йўқлиги ва айланма маблағлар етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Импорт маҳсулотлари ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган товарлар ишлаб чиқариш Самарқандда 52,2, Пайариқда 33,7 ва Пастдарғомда 25,2 фоизга камайиб кетди.

Жамоат транспорти бир маромда ишламаётганлиги, транспорт воситалари ёқилғи-мойлаш материаллари билан тўлиқ таъминланмаётганлиги, хавфсизлик талабларига риоя этилмаётганлиги, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги қайд этилди.

***– Олинган ахборотлардан қандай хулоса чиқармоқдасиз?***

– Саноат корхоналарининг муаммоларини ҳар бир алоҳида ҳолатдан келиб чиқиб ҳал этмоқ зарур. Самарқанд лифтсозлик заводини олайлик. Вилоят ҳокимининг бизга хабар қилишича, корхона ишлаб чиқарган 200 дона маҳсулот бугунги кунда омборда чанг босиб ётибди. Мамлакатда уй-жой ва саноат қурилиши жадаллик билан бораётган бир алфозда бу манзара қизиқ туюлади. Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни олишга рағбат йўқлиги ажаблантиради...

Вазиятни чуқурроқ ўрганиш керак деб ўйлайман. Лифтсозларда товар баҳоси билан сифат нисбати мақбул тарзда бўлмаса керак... Бордию, шундай бўлса, бу муаммони анъанавий усул билан, яъни сифат назоратини кучайтириш ва таннархни камайтириш йўли билан ҳал этиш мумкин.

Бошқа бир мисол. Ўзбекистон миллий банки бир вақтлар «Мунлайт» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси негизида барпо этилган «Пойтекс» МЧЖга пайпоқ ишлаб чиқариш учун дастлабки сармоя сифатида 170,3 млн сўм кредит ажратган эди. Ана шу пулга сотиб олинган ускуналар бугунги кунга келиб маънан эскирди ва анча ишдан чиқди. Кундалик ишда муттасил керак бўладиган эҳтиёт қисмлар сотиб олишга валюта керак – уни ҳеч қаердан топиб бўлмаяпи. Аммо бу корхонада оддий ва синтетик ипни бўяш линияси кўринишидаги мақбул ресурс бор. Биз пайпоқ ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатиб туриш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки бундай маҳсулот бизда танқис саналмайди... Бунинг ўрнига сифатли бўялган калава ип ишлаб чиқаришга имкон қадар кўпроқ эътибор бериш зарур, зотан унга мамлакатимизнинг ўзида ҳам талаб катта. Бу эса ўз навбатида «Пойтекс»га айланма маблағларни тўлдириш имкониятини беради, сўнгра эса пайпоқ ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан бемалол шуғулланиш мумкин бўлади.

Биз вилоятлар транспорт соҳасида имтиёзли кредитлаш ва лизингдан кенгроқ фойдаланишлари, хуфиёна тарзда маҳсулот олиб кирилиши устидан назоратни кучайтиришлари лозим деб ҳисоблаймиз.

*[1]Президентнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сон қарори.*

*[2]Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 августдаги 191-сон қарорига қаранг.*

***Юлия ЯШИНА, «Норма маслаҳатчи» махсус мухбири.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 25.11.2010 | 1 | 0,80 | 1 | 1,0658 | 1 | 0,0255 |
| Арманистон | 25.11.2010 | 1 | 360,30 | 1 | 478,87 | 1 | 11,50 |
| Беларусь | 26.11.2010 | 1 | 3031,00 | 1 | 4045,78 | 1 | 96,89 |
| Грузия | 26.11.2010 | 1 | 1,7644 | 1 | 2,3489 | 1 | 5,6399 |
| Қозоғистон | 26.11.2010 | 1 | 147,37 | 1 | 196,28 | 1 | 4,70 |
| Қирғизистон | 26.11.2010 | 1 | 46,8479 | 1 | 64,1286 | 1 | 1,5119 |
| Латвия | 26.11.2010 | 1 | 0,527 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0168 |
| Литва | 26.11.2010 | 1 | 2,5904 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,2754 |
| Молдова | 26.11.2010 | 1 | 11,9993 | 1 | 15,9897 | 1 | 0,3837 |
| Тожикистон | 26.11.2010 | 1 | 4,3996 | 1 | 5,8873 | 10 | 1,4257 |
| Ўзбекистон | 23.11.2010 | 1 | 1632,49 | 1 | 2219,90 | 1 | 52,75 |
| Украина | 25.11.2010 | 100 | 793,87 | 100 | 1058,9432 | 10 | 2,5369 |
| Эстония | 25.11.2010 | 1 | 11,7661 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,375489 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

УШБУ СОНДА:
✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА
– Пенсия билан боғлиқ ўзгартишлар
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Келаси йили салкам бир миллион янги иш ўрни ташкил этилади
– Депутатингиз нималар билан машғул?
– Режалаштириш пухта бўлсин
– Валюталар курси 1-2-бетлар
✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Кадрлар ишидаги тартиб 3-4-бетлар
✓ БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
– Автомобилдан сақланинг
– Фойдали ҳужжатлар
– Иссиқ сув бўлади...
– Ҳисоблагичга тегманг – жиноятчига айланишингиз мумкин
– ЯИТ базавий миқдори ХУМШ учун эмас 5-6-бетлар
✓ top 7-8-бетлар

# КАДРЛАР ИШИДАГИ ТАРТИБ

## ЁКИ МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ХАТОСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТЎЛДИРИШ ҲАҚИДА

***Мен текширувлар вақтида нохушликларга тўқнаш келишнинг олдини олиш ва ўзимиз ҳамда бошқаларни оворагарчиликдан халос қилиш учун даставвал барча ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш керак деб ҳисоблайман. Бу айниқса кадрлар бўлимига тааллуқли, чунки унинг ходимлари йўл қўйган хатолар улар содир этилганидан кейин анча йил ўтгач юзага чиқиши мумкин.***

### ИШНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Кадрлар бўлимига ишлаш учун келганда аввало аввалги ходимдан ишларни қабул қилиб олиш керак. Бунда албатта қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштириш зарур.

**Қуйидагиларни шахсан текшириш лозим:**

барча меҳнат дафтарчаларини, улардаги эҳтимолий нуқсонларни аниқлаш лозим;

меҳнат дафтарчалари ҳисобини юритиш дафтарини. Унда серия ва рақамлари ёзилган барча меҳнат дафтарчалари (ишга қабул қилиш пайтида ходимлардан қабул қилинганлари, шунингдек ишга биринчи марта кирган ходимларга берилганлари, дубликатлар) рўйхатдан ўтказилади ва янги меҳнат дафтарчаси (дубликати) берилгани учун ҳақ олинганлиги тўғрисида ёзув қайд этилади. Дафтар рақамланган, ип билан тикилган ҳамда раҳбарнинг имзоси ва сурғуч муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак;

шахсий варақалар (Т-2 намунавий шакли) мавжудлигини.

Агар топшириш далолатномаси бўлмаса, кадрлар бўлими ходими дафтарчаларнинг йўқолганлиги, шахсий варақалар, меҳнат дафтарчалари ҳисобини юритиш дафтарининг йўқлиги учун жавоб бермайди. Бироқ у инвентаризацияни ўтказмаганлик учун жавоб беради. Ушбу камчиликларни бартараф этиши ҳам керак бўлади.

### ҲЕЧ ҚАНДАЙ СОХТАЛИКСИЗ

Ишни қабул қилиб олгач, **меҳнат дафтарчалари бланкаларининг ҳақиқийлигини** текшириш керак. Кейинги вақтда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида тайёрланмаган, яъни сохта бланкалар тез-тез учраяпти. Уларни стандарт бланкалардан қуйидаги аломатларига кўра фарқлаш мумкин:

саҳифаларида серия ва рақам қўйилмаган, агар қўйилган бўлса ҳам, қабариқ эмас;

бланка Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида янги меҳнат дафтарчаларини жорий қилиш тўғрисида» қарорига *(1995 йил 6 июлдаги 258-сон, ВМнинг 1999 йил 6 майдаги 225-сон қарори билан киритилган ўзгартишлар билан)* иловада келтирилган намуна талабларига жавоб бермайди. Хусусан, шуни билиш лозимки, меҳнат дафтарчасининг сериясида ҳудудий меҳнат органида у харид қилинган минтақанинг бош ҳарфлари (лотин шрифтида) бўлиши керак. Сохта бланкаларда эса у одатда «TV» ҳарфлари билан белгиланади;

бланкалар, юқорида келтирилган Вазирлар Маҳкамасининг 258-сон қарори талаб қилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳудудий органлари орқали реализация қилинмаган бўлади.

Бундай меҳнат дафтарчалари аниқланган тақдирда қоидани бузган ҳолда уларни 1996 йил 1 апрелдан кейин берган корхоналар орқали стандарт дафтарчаларга айирбошлаш тўғрисида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат ҳуқуқ инспекциясига мурожаат қилиш лозим.

Меҳнат кодексининг *(МК)* 81-моддаси ва Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномага *(МВ ва ИТВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 402-сон Йўриқнома)* мувофиқ иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно. Шу боис ҳам меҳнат фаолиятини 1996 йил 1 апрелдан кейин бошлаган ходимга янги намунадаги меҳнат дафтарчасини юритиш лозим, чунки Иттифоқ вақтида қабул қилинган икки тилдаги бланкалар ўз кучини йўқотган. Бироқ агар ходимнинг меҳнат фаолияти 1996 йил 1 апрелга қадар бошланган бўлса, унга аввал юритилган эски намунадаги меҳнат дафтарчаси айирбошланмайди ва амал қилишда давом этади*.

### МЕҲНАТ СТАЖИНИ КАМАЙТИРАДИГАН ХАТОЛАР

**Меҳнат дафтарчаларини тўлдиришда йўл қўйиладиган энг кўп учрайдиган баъзи хатоларни кўриб чиқиб, нотўғри ёки ноаниқ ёзувларни қандай тузатиш тўғрисида тавсиялар берамиз.**

#### ТИТУЛДА ХАТО ҚИЛМАНГ

**Ходим учун энг нохуш хатолардан бири меҳнат дафтарчасининг титул варағидаги нотўғри ёзувдир. У, масалан, АҳмЕдовга ёзилган меҳнат дафтарчаси сиз – АҳмАдовга юритилганлигини узоқ ва қийинчилик билан исботлашга олиб келиши мумкин.**

Меҳнат дафтарчаси биринчи марта расмийлаштирилаётганда титул варағида ишга кирувчи шахснинг фамилияси, исм-шарифи ва туғилган санасини тўғри ёзиш ғоятда муҳимдир. Ушбу ҳужжатда фотосуратнинг бўлиши назарда тутилмаган, шу сабабли ҳам ходимни фақат ушбу маълумотлар бўйича идентификациялаб, уларни паспорт маълумотлари билан таққослаш мумкин. Меҳнат дафтарчасининг у ёки бу фуқарога тегишлилиги айнан шундай белгиланади. Кўпинча бундай хатолар кейинчалик ходимларнинг ўзига ҳам, кадрлар бўлими ходимларига ҳам кўп муаммолар туғдиради.

#### ХАТОЛАР УСТИДА ИШЛАШ

**Нотўғри ёзувларни тузатиш ёки меҳнат дафтарчасининг титул варағида ходимнинг фамилияси, исм-шарифи ёки туғилган санасини ўзгартириш тартиби 402-сон Йўриқномада назарда тутилган.**

Унга кўра:

«2.4. Ходимнинг иши, бошқа доимий ишга ўтказилиши ва ҳоказолар тўғрисида нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар аниқланган тақдирда, улар бундай ёзувни киритган иш берувчи томонидан тўғриланади ва тасдиқланади. Янги иш жойидаги иш берувчи бунинг учун ходимга тегишли ёрдам кўрсатиши зарур»;

«2.6. Меҳнат дафтарчасига нотўғри ёки ноаниқ ёзув киритган корхона тугатилган бўлса, бундай хатони тузатиш мазкур корхона бевосита бўйсунган юқори ташкилот томонидан (бундай ташкилот мавжуд бўлмаган тақдирда тегишли архивлардан олинган маълумотлар асосида амалга оширилади), корхона қайта ташкил этилган ҳолларда эса унинг ҳуқуқий вориси томонидан амалга оширилади»;

«2.11. Меҳнат дафтарчасидаги исм-шарифи ва туғилган куни тўғрисидаги ёзувларга ўзгартиришлар тегишли ҳужжатлар (паспорти, туғилганлик, никоҳ ва никоҳнинг бекор қилиниши ҳақидаги гувоҳномага қараб фамилиясини, исмини ўзгартириш ва ҳоказолар) асосида ва ушбу ҳужжатларнинг сони ва берилган саналарига ҳавола қилинган тарзда охирги иш жойидаги берувчи томонидан киритилади...»

Чунончи, ходимнинг фамилияси (исм-шарифи, туғилган санаси) тўғрисидаги ёзувга ўзгартириш киритиш талаб қилинса, аввалги фамилия (исм-шариф, туғилган сана) устига битта чизиқ тортилади ва *УСТИДАН* янги маълумотлар ёзилади. Меҳнат дафтарчаси муқовасининг ички томонига тегишли ҳужжатларга (паспорт, туғилиш гувоҳномасига) ҳаволалар қилиниб, уларнинг серияси, рақами ва берилган санаси кўрсатилади, улар иш берувчи ёки меҳнат дафтарчалари юритилиши учун масъул шахснинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланади.

Маълумот, касб, ихтисослик ва ҳоказолар тўғрисидаги ўзгартишлар худди шу тартибда киритилади.

#### МЕҲНАТ СОЛНОМАСИ АНИҚЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

**Кўп ноаниқликлар меҳнат дафтарчасининг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимига киритиладиган ёзувлар билан боғлиқ.**

Бошловчи кадрлар бўлими ходимларига хос бўлган баъзи хатоларни ажратиб кўрсатамиз, кўпинча улар ҳужжатларни тўлдириш тартибини улардан аввалги ходимлар киритган ёзувларни ўрганиш орқали ўзлаштирадилар.

Кўпинча «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлими *«Ишга киргунга қадар стажга эга бўлмаган»* стандарт жумласи билан бошланади. Бироқ 402-сон Йўриқномада меҳнат дафтарчасига бундай ахборот киритиш талаб қилинмайди. Шу боис биринчи ёзув ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув бўлиши керак.

402-сон Йўриқноманинг 2.2-бандида меҳнат дафтарчасига киритиладиган барча ёзувларнинг шахсий таркиб бўйича буйруқ (фармойиш) матнига мувофиқ бўлиши лозимлиги ҳақида талаб мавжуд. Амалиётчилар кўпинча уни айнан қабул қиладилар: меҳнат дафтарчасига буйруқнинг (фармойишнинг) мазмуни, шунингдек тузилган меҳнат шартномасининг муддати, ишга қабул қилиш чоғида ходимга синов муддати белгиланганлиги (баъзан унинг муддатини кўрсатган ҳолда), мазкур ходим ўрнини босиш учун вақтинча ишга қабул қилинганда ўша ходимнинг йўқлиги сабаби ва ҳоказолар тўғрисидаги ахборот сўзма-сўз ёзилади.

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувга бундай ахборотни киритиш 402-сон Йўриқномада назарда тутилмаган. Унинг 2.12-бандида аниқ қилиб айтилишича, меҳнат дафтарчасидаги «Иши тўғрисидаги маълумотлар» номли бўлимнинг 3-устунига корхонанинг тўлиқ номи сарлавҳа каби ёзилади. Сарлавҳа тагидаги 1-устунда меҳнат дафтарчасини юритиш бошлангандан буён ёзувнинг тартиб рақами кўрсатилади. 2-устунда ишга қабул қилинган сана ёзилади. 3-устунга ***«__________ цех, бўлим, бўлинма, қисм ва ҳ.к.га*** фалончи лавозимга (касбга, мутахассисликка) ***қабул қилинди (тайинланди ёки сайланди)»*** деб ёзиб, берилган малака даражаси (агар шундай даража берилса) аниқ кўрсатилади**. 4-устунга қайси ҳужжатга асосан ёзув қайд этилганлиги (санаси, тартиб рақами) ёзилади.

Бунда хатоларга йўл қўймаслик учун меҳнат дафтарчаларини юритишга жавобгар ходимлар ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзув амалда ходим қабул қилинган аниқ иш жойи (бўлинма, лавозим, касб) тўғрисидаги буйруқдан қисқача кўчирма эканлигини аниқ англашлари керак. Айни ушбу ахборот буйруққа (фармойишга) аниқ мувофиқ келиши керак. Ундаги бошқа маълумотлар: шартнома ва синов муддати, иш режими, бошқа ходимнинг ўрнини босиш ва унинг йўқлиги сабаби, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, ишнинг хусусияти (кўчма, йўлда ўтадиган, ҳаракатли) ва ҳоказо ходимнинг меҳнат дафтарчасига киритилмайди.

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги ёзувда албатта ходимнинг малакаси тўғрисида ахборот бўлиши керак *(402-сон Йўриқноманинг 2.12-банди)*. Мисол учун, ***«3-разрядли фрезачи сифатида қабул қилинди»*** ёки ***«Юридик бўлимга бош юристконсульт лавозимига қабул қилинди.»***

402-сон Йўриқноманинг 2.16-бандига мувофиқ хусусий тадбиркорлик ва якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлмаган фуқароларнинг*** ҳамда деҳқон хўжаликларида ишловчиларнинг меҳнат дафтарчаларига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан қуйидаги маълумотлар киритилади:

1-устунда тартиб рақами кўрсатилади;

2-устунда хусусий тадбиркор (якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёки шахсий ёрдамчи хўжаликда ишловчи) сифатида қайд этилган сана ёзилади;

3-устунда ***«Хусусий тадбиркор сифатида (якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаяпти ёки деҳқон хўжалигида ишлаяпти)» деб кўрсатилади;***

4-устунга қайси ҳужжатга асосан ёзув қайд этилганлиги (санаси, тартиб рақами) ёзилади.

#### ЎРИНДОШЛИК БЎЙИЧА ИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЁЗУВ

**Меъёрий ҳужжатларда меҳнат дафтарчасига ўриндошлик бўйича иш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тартиби етарлича батафсил очиб берилмаган.**

402-сон Йўриқноманинг 2.12-бандида айтилишича, меҳнат дафтарчасига ходимнинг ёзма аризасига биноан, ўриндошлик иши тўғрисидаги маълумот ходимни ўриндошлик асосида ишга қабул қилган иш берувчи томонидан чиқарган буйруғига (фармойишига) мувофиқ асосий иш жойидаги иш берувчи томонидан ёзилади. Унинг ишдан бўшаганлиги тўғрисидаги маълумот ҳам худди шу тарзда ёзиб қўйилади.

Агар ходим асосий иш жойи бўйича мазкур ташкилотга ишга қабул қилинганидан кейин бошланган ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлиги тўғрисида ҳужжат (одатда иш жойидан маълумотнома) олиб келса, хронологик тартибда меҳнат дафтарчасида асосий ишга ва ўриндошлик бўйича ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги ёзувлар кетма-кет қайд этилади.

Бироқ у ўриндошлик бўйича иш тўғрисидаги маълумотномани исталган пайтда (хоҳишига кўра) тақдим этиши мумкин. Бунга у ўриндошлик бўйича ишни тугатган, бироқ тўсатдан меҳнат дафтарчасида бу ҳақдаги маълумотлар қайд этилишини талаб қилган ҳолларни мисол қилиб келтириш мумкин. 402-сон Йўриқномада бундай ёзувларни меҳнат дафтарчасига киритиш учун муайян вақт чеклови белгиланмаган. Шу боис ходимга рад жавоби бериш учун асос йўқ.

Модомики, ўриндошлик бўйича «собиқ» иш тўғрисида ёзувни киритиш тўғрисида махсус кўрсатма йўқ экан, демак, умумий қоидага амал қилиш керак. 2-устунда **ўриндош сифатида ишга қабул қилиш санаси** кўрсатилади **(у ҳақда ёзув киритиш санаси эмас);** 3-устунда номини кўрсатган ҳолда ташкилотнинг таркибий бўлинмасига ўриндош сифатида қабул қилиш тўғрисида ёзув киритилади; 4-устунда санаси ва рақамига ҳавола қилган ҳолда ёзув киритиш учун асос бўлган ҳужжат (маълумотнома) кўрсатилади. Мазкур ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзув ҳам худди шу тартибда қайд этилади.

Шу тариқа, 402-сон Йўриқноманинг талабларига қатъиян риоя қилиб, биз киритилаётган ёзувларнинг хронологик кетма-кетлигини мажбурий равишда бузамиз. Ходим кадрлар хизматига ўриндошлик бўйича иш тўғрисида ёзувни киритиш илтимоси билан «кечикиб» мурожаат қилганда асосий иш жойига қабул қилиш тўғрисидаги ёзувнинг санаси ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш ва ундан бўшатиш санасидан анча кейинги сана бўлиб қолиши мумкин.

4-бетда

---

****Таҳририятдан*** – ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида меҳнат дафтарчаларини юритишнинг ягона тартибини ўрнатиш учун уларни янги шаклидагига алмаштиришга тайёргарлик кўриляпти. Улар жорий этилганидан кейин биз ушбу масалага қайтиш ниятидамиз.*

***Шуни ҳисобга олиш лозимки, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2010 йил 30 сентябрда 402-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғига кўра, 402-сон Йўриқноманинг 2.12-банди хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг номлари* ***Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига*** *(ВМнинг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ кўрсатилиши кераклиги тўғрисидаги қоида билан тўлдирилган.*

******Таҳририятдан*** – ҳозирги вақтда «Хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган, юридик шахсни ташкил этмаган фуқаролар» тушунчаси «якка тартибдаги тадбиркор» тушунчасига киритилган. Якка тартибдаги тадбиркор, Солиқ кодексининг 18-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир. Афсуски, меҳнат дафтарчасига ёзувлар киритилиши учун асос бўлган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторида ушбу тушунчаларга мувофиқ келадиган лавозимлар (касблар) қайд этилмаган.*

# КАДРЛАР ИШИДАГИ ТАРТИБ

## ЁКИ МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ХАТОСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТЎЛДИРИШ ҲАҚИДА

3-бетда

***Ўриндошлик бўйича иш тўғрисида ёзув киритишга мисол*** (хронологияни бузган ҳолда):

**ИШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР**

| N | Сана | | | Ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида маълумотлар | Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| | йил | кун | ой | | |
| 1 | 2 | | | 3 | 4 |
| | | | | «Титаник» МЧЖ | |
| 9 | 2010 | 05 | 01 | Юридик бўлимга бош юристконсульт лавозимига қабул қилинди | 4.01.2010 йилдаги 1-к-сон буйруқ |
| 10 | 2009 | 10 | 06 | Ўриндошлик бўйича «Ҳамкор» ХКга юристконсульт лавозимига ишга қабул қилинди | «Ҳамкор» ХКнинг 1.07.2009 йилдаги 01-44/5-сон маълумотномаси |
| 11 | 2009 | 15 | 12 | Ўриндошлик бўйича меҳнат муносабатлари тугатилди | «Ҳамкор» ХКнинг 15.12.2009 йилдаги 01-44/25-сон маълумотномаси |

Шубҳасиз, меҳнат дафтарчасидаги ёзувларда хронологиянинг бузилиши уларни кейин солиштириб текширишда ноқулайлик туғдиради. Бироқ юқорида келтирилган ёзувларни киритишнинг қуйидаги вариантини расман тўғри деб топиб бўлмайди.

***Ўриндошлик бўйича иш тўғрисидаги ёзувнинг нотўғри киритилишига мисол***

**ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

| N | Сана | | | Ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида маълумотлар | Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| | йил | кун | ой | | |
| 1 | 2 | | | 3 | 4 |
| | | | | «Титаник» МЧЖ | |
| 9 | 2010 | 05 | 01 | Юридик бўлимга бош юристконсульт лавозимига қабул қилинди | 4.01.2010 йилдаги 1-к-сон буйруқ |
| 10 | 2010 | 22 | 01 | 10.06.2009 йилдан 15.12.2009 йилгача ўриндошлик бўйича «Ҳамкор» ХКда юристконсульт лавозимида ишлаган | «Ҳамкор» ХКнинг 1.07.2009 йилдаги 01-44/5-сон ва 15.12.2009 йилдаги 01-44/25-сон маълумотномалари |

### ДОИМИЙ ИШГА АЙЛАНГАН ВАҚТИНЧАЛИК ЎТКАЗИШ

**Меҳнат дафтарчаси билан ишлашдаги қийинчиликларни баъзан уни тўлдириш тартибини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу ҳужжатга тегишли ёзувлар киритишни талаб қиладиган қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлардан «орқада қолиши» юзага келтиради.**

402-сон Йўриқномада бундай ёзувларга мисолларнинг йўқлиги меҳнат дафтарчаларини юритиш сифатига салбий таъсир кўрсатади. Бундай муаммолардан бири ходимни дастлаб вақтинча бўлган бошқа ишга ўтказишни акс эттириш билан боғлиқ. У доимий деб ҳисоблана бошлашига ўтказиш муддати тугаганидан кейин ходим аввалги ишига қайтарилмагани, у ҳам буни талаб қилмагани ва ишлашда давом этгани сабабчи бўлади *(МКнинг 93-моддаси)*.

Мазкур вазиятнинг мураккаблиги шундаки, ходимни бошқа ишга ўтказиш далили уни амалга ошириш пайтида меҳнат дафтарчасида қайд этилиши мумкин эмас, чунки вақтинчалик бошқа ишга ўтказишлар унга мажбурий тартибда эмас, фақат ходимнинг илтимосига кўра киритилади *(402-сон Йўриқноманинг 2.1-банди)*. Фақат ўтказишнинг вақтинча тусдалиги шарти ўз кучини йўқотиб, доимий деб ҳисоблана бошлангандагина ходимнинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзувни киритиш мумкин ва зарур. Бироқ мазкур ҳолда ўтказиш тўғрисидаги ёзувни киритиш санаси айни бошқа ишга ўтказиш санасига мувофиқ келмайди, бунда улар ўртасидаги вақт йиллар билан ўлчаниши мумкин. Шу сабабли меҳнат дафтарчасига ёзув киритаётганда иккала сана: ўтказиш санасининг ўзи ва уни доимий деб топиш санасига асосланиш керак, бу ходимни бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги ёзувнинг анъанавий тузилишига хос эмас.

Биз тавсифлаган вазиятда меҳнат дафтарчасига киритиладиган ёзувга расман мисол йўқлиги муносабати билан унинг қуйидаги чизмасини таклиф қилиш мумкин:

2-устунга ўтказиш тўғрисидаги ёзувни киритиш санаси қўйилади (ўтказишни доимий деб топиш тўғрисидаги ходим билан тузилган битим асосида ўтказишни доимий деб топиш тўғрисидаги буйруқ чиқарилганидан кейин);

3-устунга унинг ҳақиқий санасини, яъни вақтинча ўтказиш санаси (вақтинча ўтказиш тўғрисидаги буйруқ санаси) кўрсатилиб, қўшимча кўрсатган ҳолда ўтказиш тўғрисида ёзув қайд этилади;

4-устунда тегишинча иккала буйруқ: вақтинча ўтказиш ва уни доимий деб топиш тўғрисидаги буйруқларга ҳавола қилинади.

***Бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ёзув киритилишига мисол*** *(ўтказишнинг вақтинча тусдалиги шарти ўз кучини йўқотган ва ўтказиш доимий деб ҳисоблана бошланганидан кейин):*

**ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

| N | Сана | | | Ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида маълумотлар | Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| | йил | кун | ой | | |
| 1 | 2 | | | 3 | 4 |
| | | | | «Каскад» МЧЖ | |
| 9 | 2006 | 28 | 11 | Реализация бўлимига менежер лавозимига қабул қилинди | 28.11.2006 йилдаги 98-к-сон буйруқ |
| 10 | 2010 | 10 | 10 | 10.05.2008 йилда реклама бўлимига бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимига ўтказилди | Буйруқлар: 10.05.2008 йилдаги 47-сон ва 10.10.2010 йилдаги 78-к-сон |

### МАЗМУН ҚИСМИДАГИ ТУЗАТИШЛАР

**Меҳнат дафтарчалари билан ишлашда «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида ноаниқ, нотўғри ёки бошқа ҳақиқий эмас деб топилган ёзувларни тузатиш масаласи доим энг мураккаб масалалардан бири бўлиб келган.** Маълумки, уларнинг устидан чизиқ тортишга йўл қўйилмайди, улар 402-сон Йўриқномада белгиланган тартибда янгидан тўғри қилиб кўчириб ёзилиши керак. Бу қоида унинг 2.8-бандида етарлича аниқ қилиб ёзиб қўйилгандек кўринади, бироқ уни кадрлар бўлими ходими ҳамда меҳнат дафтарчалари тўғрисида мақола ва қўлланмалар ёзувчилар турлича талқин қиладилар.

Аввало 402-сон Йўриқноманинг ёзувларни тузатиш тўғрисидаги асосий қоидасини англаш лозим: нотўғри ёзувни шунчаки қайта ёзиш эмас, балки нима учун шундай қилинаётганлигини стандарт жумла билан тушунтириш шарт, яъни **«Фалон рақамли ёзув ҳақиқий эмас»**. Шундан сўнг тўғри ёзув киритилади, масалан, **«Фалон касб бўйича қабул қилинди»**. 4-устунда ёзуви нотўғри киритилган иш берувчининг буйруғи (фармойиши) ёки бошқа қарорининг санаси ва рақами такрорланади ёки иш берувчининг унга асосан тўғри ёзув киритилган буйруғи (фармойиши) ёки бошқа қарорининг санаси ва рақами кўрсатилади.

Ёзувларни тузатаётганда *«Фалон рақамли ёзув ҳақиқий эмас»* стандарт жумласини тузатилаётган ёзувнинг тўғри вариантидан ажратиб бўлмаслигини 402-сон Йўриқномадан олинган яна икки мисол ҳам кўрсатади. Унинг 2.8-бандига кўра тузатишлар қуйидагича ёзилиши керак:

***«Фалон рақамли ёзув ҳақиқий эмас, олдинги ишига қайта тикланди»*** ва ***«Фалон тартиб сонли ёзув ҳақиқий эмас. Қуйидаги лавозимга қабул қилинди»***.

Тузатилган ёзув олдиндан тушунтиришсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас, сабаби биз ходимни ишга қабул қилмаймиз, ўтказмаймиз ва ишдан бўшатмаймиз, балки илгари ёзилган ёзувни мажбуран такрорлаймиз. Тушунтириш ва тузатилган ёзув биргаликда янги ёзувни ҳосил қилади ва битта тартиб рақами остида ёзилади.

***Иш тўғрисидаги ёзувга тузатиш киритишга мисол:***

**ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

| N | Сана | | | Ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида маълумотлар | Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| | йил | кун | ой | | |
| 1 | 2 | | | 3 | 4 |
| | | | | | |
| | | | | «Ишонч» МЧЖ | |
| 9 | 2010 | 05 | 02 | Реализация бўлимига иқтисодчи лавозимига қабул қилинди | 1.02.2010 йилдаги 36-к-сон буйруқ |
| 10 | 2010 | 25 | 08 | Реклама бўлимига катта менежер лавозимига ўтказилди | 25.08.2010 йилдаги 78-к-сон буйруқ |
| 11 | 2010 | 30 | 12 | Реклама бўлими бошлиғи лавозимига ўтказилди | 30.12.2010 йилдаги 110-к-сон буйруқ |
| 12 | 2010 | 30 | 12 | 9-сон ёзув ҳақиқий эмас. Реализация бўлимига 5.02. 2010 йилдан менежер лавозимига қабул қилинди | 1.02.2010 йилдаги 36-к-сон буйруқ |

Фикримизча, навбатдаги тартиб рақами остида «Фалон рақамли ёзув ҳақиқий эмас» деб ёзишни таклиф қиладиган материаллар муаллифларига қўшилиб бўлмайди, тўғри ёзувни кейинги тартиб рақами остида мустақил ёзув сифатида киритиш керак.

Афсуски, 402-сон Йўриқномада меҳнат дафтарчасининг фақат 3-устунидаги ёзувларни тузатишга мисоллар келтирилган. Бироқ кўпинча бошқа устунларда ҳам хатолар юзага келади. Эҳтимол, уларни 3-устундагига ўхшатиб, яъни устига чизиқ тортмасдан, ўчириб ёзмасдан ва «Тузатилганига ишонилсин» жумласисиз тузатиш керакдир.

***Ишга қабул қилиш санаси ёзувини тузатишга мисол:***

**ИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

| N | Сана | | | Ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида маълумотлар | Қайси ҳужжатга асосланиб ёзилган (санаси, тартиб рақами) |
|---|---|---|---|---|---|
| | йил | кун | ой | | |
| 1 | 2 | | | 3 | 4 |
| | | | | «Ишонч» МЧЖ | |
| 9 | 2010 | 05 | 02 | Реализация бўлимига иқтисодчи лавозимига қабул қилинди | 1.02.2010 йилдаги 36-к-сон буйруқ |
| 10 | 2010 | 25 | 08 | Реклама бўлимига катта менежер лавозимига ўтказилди | 25.08.2010 йилдаги 78-к-сон буйруқ |
| 11 | 2010 | 30 | 12 | 9-сон буйруқ ҳақиқий эмас. 1.02.2010 йилдан реализация бўлимига иқтисодчи лавозимига қабул қилинди | 1.02.2010 йилдаги 36-к-сон буйруқ |

### ҚОЛИБ КЕТГАНИНИ ТИКЛАЙМИЗ

**402-сон Йўриқномада меҳнат дафтарчасига ходимни ишдан бўшатиш тўғрисида буни тасдиқловчи барча реквизитлар билан бирга ёзув киритилганидан кейин тўсатдан ёзувлардан бири (масалан, бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисидаги) қолиб кетганлиги, ишдан бўшаган шахс эса уни киритишни талаб қиладиган вазият ҳам акс эттирилмаган.**

Баъзи кадрлар бўлими ходимлари бундай вазиятда ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзувни бекор қилиш, қолиб кетган ёзувни киритиш ва шундан кейин янгидан ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш керак деб ҳисоблайдилар. Буни тўғри деб бўлмайди, чунки мазкур ҳолда ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзувни бекор қилиш учун асос йўқ. Қолиб кетган ёзув ишдан бўшатиш тўғрисидаги ёзувдан кейин қўшимча тарзда, ташкилот номи ва тасдиқловчи реквизитларни такроран кўрсатган ҳолда киритилади.

### ҲУЖЖАТ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНМАГАНДА

**Муаммоли вазиятларга қисқача шарҳнинг якунида кадрлар бўлими ходимлари эътиборини ишдан бўшатиш чоғида талаб қилиб олинмаган меҳнат дафтарчаларини сақлаш тартибига қаратмоқчимиз.**

Ходимлар ишдан бўшатиш чоғида (ёки у вафот этган тақдирда – яқин қариндошлари) олмаган меҳнат дафтарчалари ва уларнинг дубликатлари 2 йил мобайнида ташкилотнинг кадрлар бўйича хизматида, ишлаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида сақланади. 2 йил ўтганидан кейин талаб қилиб олинмаган меҳнат дафтарчалари корхонанинг архивида 50 йил мобайнида сақланади. Фақат шундан кейингина улар белгиланган тартибда йўқ қилиниши мумкин.

***Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,***
***Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг юридик бўлими мудири.***




**МУНДАРИЖА:**

✓ Автомобилдан сақланинг
✓ Фойдали ҳужжатлар
✓ Иссиқ сув бўлади...
✓ Ҳисоблагичга тегманг – жиноятчига айланишингиз мумкин
✓ ЯИТ базавий миқдори ХУМШ учун эмас

Долзарб масала

# АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ



***Деразамнинг шундоққина рўпарасидаги, болалар ўйнайдиган майдонча яқиндан бошлаб шахсий автомобиллар тўхташ жойига айланди-қўйди. Уйимиз аҳли техник тараққиётнинг бу «қилиғи»дан хурсанд бўлди дейиш қийин. Машиналарнинг шовқини, бегона одамларнинг бақир-чақири ўз йўлига. Болаларнинг майдончада ўйнаши хатарли бўлиб қолди: машиналар тиним билмай кириб-чиқиб туради. Кечки бетинчликни айтмайсизми?! Автомобиль эгалари ўз уловларини йўлкаларга ҳам «тиқиб» ташлашмоқда. Болалар аравачаси билан йўлакка эмин-эркин кириш қийин, баъзан юришга ҳам қийналасан киши. Кимдир ўз машинасини йўлкага қўйиб йўлни тўсиб қўяди, бошқаси кўзлаган манзилига ўта олмай ярим соатлаб сигнал чалиб бутун даҳани бошига кўтаради. Бу кимга ҳам ёқарди дейсиз. Шундай аҳволда «Тез ёрдам» машинасига ёки худо кўрсатмасин ўт ўчириш машинасига йўл топишнинг ўзи бўладими?!***

Тўғри, машинали одамга ўз улови шундоққина кўз ўнгида тургани қулай. Машинасини гаражга ёки махсус тўхташ жойига олиб бориб қўйишга эриниш, балки чиқимдан қочиш қўшниларни ранжитиш ҳисобига бўлмаслиги керак, албатта. Кўп қаватли уй олдида ўзбошимчалик билан пайдо бўлаётган ва тобора сони ортиб бораётган машина тўхташ жойлари тор доирадаги одамларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Ҳолбуки бунда ҳамманинг фикрини инобатга олиш зарур. Зотан кўп квартирали уй мулкдорлари ер участкаси таъминоти юкини биргаликда кўтаришлари, унинг батартиб ҳамда ораста бўлишини таъминлашлари, уни сақлаш йўлларини белгилаб олишлари, ана шу мақсадлар учун пул тикишлари шарт. Автомобиль эгалари эса бу умум мулкини ўзлариники қилиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, уйнинг олдига машина қўйишнинг муайян таваккалчилиги ҳам бор. Тунги вақтда автомобилни ўғирлаш ва олиб қочиш ҳоллари кўпроқ шундай жойларда содир бўлади. Бундай машина тўхташ жойлари баъзан чинакам можаро ўчоғига айланади.

Бу муаммони ҳал этишнинг йўли бор. Энг аввало қўшнилар бир-бири билан тил топиши лозим. Қолаверса, бунда ширкат, участка нозири, маҳалла фуқаролар йиғини, ҳокимлик – хуллас кўп қаватли уйларнинг ҳовли ҳудудларида тартиб-интизом учун жавоб берадиган тузилмалар ҳам четда қараб турмаслиги керак.

Моҳиятан, муаммони ХУМШ доирасида ҳам ҳал этса бўлади. Уйга туташ ҳудуд кўп квартирали уйдаги барча турар жой мулкдорларининг масъулиятида экан, автомобиль эгалари қўшниларнинг манфаатларини менсимаслик ҳуқуқига эга эмас. Машинани «қўлбола» тўхташ жойида қолдиришга рухсат этиш ёки ман қилиш шу уй аҳлининг ихтиёрида. Бунинг учун улар умумий йиғилишга тўпланиши, муаммони муҳокама этиши ва кўпчилик овоз билан қарор қабул қилиши лозим. Масалан, йўлкаларга ёки уй атрофидаги болалар майдончаси, кўкаламзор майдонга машина қўйишни тақиқлаш мумкин. Тўғри, кираверишга тўсиқ қўйиш билан ҳам бу муддаога эришиш мумкин. Бироқ Турар жойлар ва уйга туташ ҳудудларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларида* турли тўсиқлар қўйиш ман этилган.

*Таҳририят ихтилофли вазиятларни ҳал қилишда иштирок этмайди ва уларни ечишга кўмаклашиш ваколатига эга эмас.

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

Бунинг учун ҳокимликка мурожаат қилиб рухсат олиш зарур.

Автомобилларни белгиланмаган жойларга қўйиш Йўл ҳаракати қоидалари** талабларини бузишдир. Агар тарафлар муросага кела олмаса, уй аҳли участка нозирига ариза билан мурожаат этиши, далил сифатида машиналарнинг фотосуратини илова қилиши зарур.

Умумий йиғилиш қарори билан майдончага, йўлкага кечаси ўзгаларнинг автомобиллари қўйилишини тақиқлаш, ўзиникиларга автомобиль қўйишга (муайян ҳақ эвазига) рухсат бериш мумкин. Бунинг учун шу уйда яшовчи автомобиль эгаларига оид маълумотлар базасини яратиш керак. Энг мақбул йўли автомобиль эгаларининг маблағига ўзларига тегишли ҳудудда автомобиль қўйиш жойини қарор қабул қилиш асосида барпо этишдир. Бу анчагина серташвиш иш, лекин уй аҳли бир ёқадан бош чиқариб иш тутадиган бўлса, йўриғи осон. Бундай майдонча барпо этиш учун ҳокимликдан рухсат олиш, масалани бир қанча хизматлар билан келишиб олиш ва лойиҳасини тузиш лозим.

Низо ва можародан холи бўлиш учун уйга туташ ҳудудни, шу жумладан автоқўнимгоҳларни сақлаш масаласини ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланган ширкат уставида акс эттириш мақсадга мувофиқроқдир. Ширкат бошқаруви томонидан ишлаб чиқилиб, умумий йиғилишда тасдиқланадиган уйга туташ ҳудудни сақлаш қоидаларида ҳам буни кўрсатиб ўтса бўлади.

*ВМнинг 1994 йил 28 июлдаги «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 325-сон қарорига 3-илова.

**ВМнинг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган.

# ФОЙДАЛИ ҲУЖЖАТЛАР

Автомобилни уй ёнида қўйиш масаласини ҳал қилишда қайси ҳужжатларга мурожаат қилиш мумкин?

● **КМК 2.07.01-94 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ истиқомат жойларини режалаштириш ва қуриш».** Ушбу ҳужжатда айтилишича, мавзеларни режалаштираётганда гаражлар ва автоқўнимгоҳлар автомобиллаштиришнинг қабул қилинган даражаси ва КМК талабларини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилади. 9.64-бандда айтилишича, фуқароларга тегишли бўлган автомобилларнинг 100%ини доимий сақлаш жойларини улар эгаларининг яшаш жойидан кўпи билан 800 м масофада бунёд этиш керак. Шаҳарларнинг реконструкция қилинаётган ҳудудлари ва тарихий зоналарида ушбу масофа 1500 м га қадар оширилиши мумкин. Уй-жойлар ёнида енгил автомобилларни вақтинча сақлаш учун очиқ қўнимгоҳлар фуқароларга тегишли бўлган автомобиллар паркининг 15%и ҳисобидан келиб чиқиб лойиҳалаштириш чоғида назарда тутилади *(9.68-банд)*.



Ҳужжат автомобилларни вақтинча ва доимий сақлаш учун мўлжалланган очиқ қўнимгоҳлар ва гаражлардан уй-жойларнинг деразаларигача бўлган масофани ҳамда уларда сақлаш мумкин бўлган автомобиллар миқдорини тартибга соладиган нормативларни белгилайди. Масалан, агар очиқ қўнимгоҳ уйдан 10 м гача бўлган масофада жойлашган бўлса, унда 12 автомобиль жойлашиши мумкин. Агар уй пештоғидан очиқ майдонгача бўлган масофа 51 м дан 100 м гача масофани ташкил қилса, унга 25 автомобилни қўйиш мумкин *(9.68-банд)*.

● **Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати қоидалари** *(ВМнинг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган)*. Қоидалар фуқаролар билан ўз автомобилларини уй ёнидаги ҳудудга қўядиган автомобиль эгалари ўртасидаги муносабатларнинг баъзи жиҳатларига ойдинлик киритиши мумкин. Масалан, 19-«Турар жой даҳаларида ҳаракатланиш» бўлимида турар жой даҳалари ҳудудида автомобилларни двигатели ишлаб турган ҳолда қолдириш, рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларининг махсус ажратилган, белги ва (ёки) чизиқлар билан белгиланган жойлардан ташқарига қўйилиши тақиқлангани белгиланган. Қоидаларда турар жой даҳаларида ҳайдовчилар пиёдалар хавфсизлигини, ушбу ҳудуддаги иншоот, қурилма ва ўсимликларнинг шикастланмаслигини таъминлашлари зарурлиги ҳам айтилган.

Ушбу меъёрий ҳужжатда уй ёнида рухсатсиз тўхтатиш мухолифларига машиналарни қачон қўйишга рухсат берилишию, қачон бу тақиқланишини билиб олишда ёрдам берадиган бир қатор таърифлар берилган. Уларга кўра, автомобилни тўхтатиш – транспорт воситасининг ҳаракатини 10 дақиқадан кам вақтга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш). **Тўхтаб туриш** – транспорт воситасига йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатини 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш. **Мажбурий тўхташ** – техник нуқсон ёхуд ташилаётган юк, ҳайдовчи, йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф туғилганда ёки об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатланишининг тўхтатилиши. **Тротуар** нималигини таърифлашга эҳтиёж бўлмаса керак. Қоидаларда у машиналарнинг эмас, балки пиёдаларнинг ҳаракати учун мўлжалланган деб таъкидланади.

● **Турар жойларни ва уй атрофидаги ерларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидалари** *(ВМнинг 1994 йил 28 июндаги «Давлат уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 325-сон қарорига 3-илова)*. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланишича, уй атрофидаги ерларга шу уйга туташиб кетган умумий фойдаланиладиган ерлар киради. Уй атрофидаги ерларда бўш майдонлар бўлса, улар спорт, болалар майдончалари, кир қуритиш, гиламлар тозалаш учун майдончалар билан жиҳозланиши керак. Ушбу рўйхатда бўш майдонлардан автомобиль қўнимгоҳлари сифатида фойдаланиш назарда тутилмаган *(VIII бўлим «Уй атрофидаги ерларни сақлаш»)*. Қоидаларнинг 30-бандида уй атрофидаги ерларда автомашиналар ва бошқа транспорт воситаларини ювиш, бензин ва мой тўкиш, сигналлар, тормозлар, двигателларни созлаш тақиқланиши қайд этилган.

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

● **«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» Қонун** *(2006 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-32-сон)*. Ер участкалари ширкатга белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади *(35-модда)*. ХУМШ ер участкасини сақлаш усулини белгилашга, ундан фойдаланиш қоидаларини белгилашга, ер участкасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар қуришга ҳақли *(15-модда)*.

Ширкат ер участкасининг асралиши ва сақланишини таъминлаши шарт *(16-модда)*. Ширкат аъзолари умумий йиғилишда ишлар режасини, шу жумладан ер участкасини сақлаш бўйича, тасдиқлайдилар *(19-модда)*. Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари шарт. Умумий харажатлар ширкат аъзоларининг умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш билан боғлиқ харажатларидир *(30-модда)*.

ХУМШ қайта ташкил этилганда, шунингдек жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққанда (ёки ширкатга аъзо бўлиб кирганда), ширкатларнинг ер участкалари чегаралари (ўлчамлари) белгиланган тартибда ўзгаради *(35-модда)*.

● **Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий устави** *(ВМнинг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган)*. Умумий мол-мулкнинг алоҳида қисмлари ширкат аъзоларига ва бошқа шахсларга ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ва шартларда фойдаланишга берилиши мумкин. Умумий мол-мулкнинг алоҳида қисми ва (ёки) ширкат ер участкасидан фақат ўз манфаати учун фойдаланувчи ХУМШ аъзоси ширкатга умумий йиғилиш белгилаган миқдорда ҳақ тўлаши керак *(4.8-банд)*.

Ширкат аъзолари умумий мол-мулк ва ер участкасидан фақат бевосита мақсадга мувофиқ фойдаланишлари ва улардан фойдаланиш бўйича бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмасликлари шарт (6.2-банд).

● **Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги низом** *(Президентнинг 2005 йил 10 февралдаги «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3-сон қарорига 3-илова)*. Ширкатнинг ер участкаси ер ресурслари ва давлат кадастри бўйича органда рўйхатдан ўтказилиши керак. ХУМШ қайта ташкил этилганда, шунингдек жой мулкдорлари ширкат аъзолигидан чиққанда (ёки ширкатга аъзо бўлиб кирганда), ширкатларнинг ер участкаларининг чегаралари (ўлчамлари) белгиланган тартибда ўзгаради, ширкат ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқига ана шу ўзгаришларни тасдиқлайдиган янги давлат далолатномасини олиши лозим.

---



## Бизга мактуб ёзган эказсиз...

# ИССИҚ СУВ БЎЛАДИ...

***«Биз яшайдиган уй» мавзувий нашрида бериб бораётган зарур ахборот учун миннатдорчилик билдираман. «Норма маслаҳатчи»нинг 25-сонида чоп этилган ҳисоблагич ўрнатилган квартирада иссиқ сув учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги материалда айтилишича, иссиқ сув совишининг ҳисоб-китоб коэффициенти қўлланилади. Унинг қўлланишини мисол орқали тушунтирсангиз. Нима сабабдан «Тошиссиққуввати» туман бўлимлари уни қўлламайди?***

**Н.Алябьева.**



– Бутун уй учун ишлайдиган умумий асбобларнинг йўқлиги боис иссиқ сув у ёки бу уйда қанча вақтда совиши ҳамда у квартирага қандай ҳарорат билан келиб тушишини аниқ белгилашнинг иложи йўқ. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК «Тошиссиқликэлектрлойиҳа» ОАЖга иситиш оралиғидаги даврда сув совиши қандай ҳисоб-китоб қилинишини аниқлаш мақсадида мурожаат қилди. «Тошиссиқликэлектрлойиҳа» ОАЖ ҳисоб-китобларига кўра, квартиралар ичида иссиқ сувни ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозланган уй-жойлар бўйича иссиқ сув таъминотини ҳисоблаб ёзиш учун иситиш оралиғидаги даврда истеъмол қилинган сарфиётнинг 6%ига тенг бўлган иссиқ сув совишининг ўрта ҳисобдаги кўрсаткичи 2004 йил августдан бошлаб қўллана бошлади.

Шубҳасиз, ўрта ҳисобдаги кўрсаткич шаҳар турар жойларида қандай сабабларга кўра сув қай даражада совишини акс эттирмайди. Ҳар бир муайян уйда совиш даражаси барча уйлар иссиқлик қувватини ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлангандагина аниқланиши мумкин.

Ушбу коэффициентни қўллаб ҳисоб-китоб қилиш услубияти дастурга киритилган ва иситиш оралиғидаги даврда ҳар ойда, квартиралари ичида иссиқ сув сарфини ҳисобга олиш асбоблари бўлган барча фуқароларда иссиқ сув таъминоти учун ҳақ ҳисобланганда ҳисобга олинади. Бунда ҳисоблагич кўрсаткичларидаги миқдор (ҳисобот даври учун сарф) 6%га камайтирилади ва ушбу миқдордан ҳақ тўланади. Иситиш даврида эса иссиқ сув таъминотининг айланиш линияси ишлаши ва иссиқ сув ҳарорати нормага мувофиқ бўлиши керак.

Бугунги кунда Тошкентдаги тахминан 2 200 та уй-жойда иссиқ сув айланиш линияси мавжуд эмас. Бирлашма ушбу масалани бир неча марта кўтариб чиққан, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг шаҳар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасига хатлар юборган. Бироқ вазият ҳануз ўзгаргани йўқ.

Юзага келган вазиятни нормаллаштириш учун ҳукумат томонидан 2010–2020 йиллар даврида Ўзбекистоннинг марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси тасдиқланган *(Вазирлар Маҳкамасининг Иссиқлик-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси томонидан 2009 йил 31 декабрда 05/3-166-сон билан қабул қилинган)*. Унга кўра ҳозирги вақтда Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш чизмаси ишлаб чиқиляпти. Чизмада Тошкентдаги биноларни иситишни иссиқлик тармоқларига мустақил улашга босқичма-босқич ўтказиш, иссиқ сув таъминотини ёпиқ сув олишга ўтказиб, иссиқ сув айланиши линиясини тиклаш ва иссиқлик қувватини ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш назарда тутилган.

***Ш.АЗИМЖОНОВ,***
***«Тошиссиққуввати»***
***ИЧБ УК бош директори.***

*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

# ҲИСОБЛАГИЧГА ТЕГМАНГ – ЖИНОЯТЧИГА АЙЛАНИШИНГИЗ МУМКИН

***Иссиқ сув ва совуқ сув таъминоти тармоқларидан нотўғри фойдаланганлик ҳамда сувни ҳисобга олиш асбобларини шикастлаганлик ва уларнинг нормал ишлашига аралашганлик учун қандай жавобгарлик назарда тутилган?***

**Газетхон.**

– Ушбу ҳуқуқбузарликлар маъмурий ва жиноий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг** 101-моддасига кўра иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш **фуқароларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 163-моддасига мувофиқ водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш – **фуқароларга энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

**Жиноят кодексининг** 185-2-моддаси иссиқлик энергияси, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутади. Чунончи, иссиқлик, водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд иссиқлик энергияси, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун **маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда** *(ЭКИҲнинг 30 бараваридан 100 бараваригача)* **зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса,** энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**Йирик зарар** *(ЭКИҲнинг 100 бараваридан 300 бараваригача)* ва **ўта йирик зарар** *(ЭКИҲнинг 300 баравари ва ундан кўп)* етказилган тақдирда эса жиноий жавобгарликка дарҳол, олдиндан маъмурий жазо қўлламасдан, тортилади. Биринчи ҳолда ҳуқуқбузар **ЭКИҲнинг 50 бараваридан 75 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилдан 2 йилга қадар ахлоқ тузатиш ишлари билан,** иккинчи ҳолда эса – **ЭКИҲнинг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилдан 3 йилга қадар ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 ойгача қамоқ билан** жазоланади.

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Кўп хонадонли ва якка тартибдаги турар жой биноларида совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич узелларини сотиб олиш, ўрнатиш ва ишга тушириш тартиби тўғрисидаги низомнинг[1] 34-бандига мувофиқ **пломба бузилган ва сув ҳисоблагичнинг техник ҳужжатлари истеъмолчининг айби билан йўқолган тақдирда** у совуқ (иссиқ) сув таъминоти қувурининг тўлиқ ўтказиш қобилияти ҳамда назоратчи охирги келган кундан бошлаб суткада 24 соат мобайнида ундан узлуксиз фойдаланиш ҳисоб-китобидан келиб чиқиб хизматлар қийматини, шунингдек такроран текширув синовлари ўтказиш қийматини тўлайди.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

[1] *Президентнинг 2007 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-553-сон қарорига 3-илова.*

# ЯИТ БАЗАВИЙ МИҚДОРИ ХУМШ УЧУН ЭМАС

***Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унда кўпи билан 5 киши ишлайди.***

***1. ХУМШ ягона ижтимоий тўловни қандай тўлаши керак: ходимларга ҳисоблаб ёзилган иш ҳақининг 25%ини ёки энг кам иш ҳақи миқдорида базавий (таянч) миқдор бўйичами?***

***2. ХУМШ қандай солиқ тўловларини тўлаши керак?***

**Х.Муқимов,**
**ХУМШлар уюшмаси раиси.**

– **1.** Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга* кўра, **базавий миқдорини ҳисобга олган ҳолда ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартиби нотижорат ташкилотларига татбиқ этилмайди.** Бинобарин, ХУМШ нотижорат ташкилоти сифатида Солиқ кодексининг 307-моддасига мувофиқ белгиланадиган солиқ солиш базасидан (СКнинг 172–175 -моддаларида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, СКнинг 308-моддаси бўйича имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда) ва белгиланган ставкадан (25%) келиб чиқиб ягона ижтимоий тўловни тўлайдилар.

**2.** Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари **2010 йил 31 декабрга қадар** бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ва Мактаб таълими жамғармасига барча турдаги солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни тўлашдан, бундан ягона ижтимоий тўлов мустасно, озод қилинганлар. Мазкур имтиёз Президентнинг «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон)* билан белгиланган. Бироқ ширкатда тўлов манбаида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва ходимларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадалларини ушлаб қолиш мажбуриятлари сақланган.

***Жавобни «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари тайёрладилар.***

**МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2010 йил 13 апрелда 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

**Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**

